

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---


---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
ХАБАРЛАР-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2019



**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Х.Жўраев</b>	
“Туркистон тўплами” – Россия империясининг Туркистонга аҳолини қўчириш сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манба .....	97
<b>Ш.А.Раҳимов</b>	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий тажриба ва халқаро ташабbusларнинг объектив зарурияти .....	101
<b>ФАЛСАФА, СИЁСАТ</b>	
<b>Қ.Назаров, Д.Норматова</b>	
Ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати масаласига доир .....	106
<b>Н.О.Сафарова, И.М.Арзиматова</b>	
Форобий ва беруний ижодида ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари .....	109
<b>С.Чориев, Б.Иминов</b>	
Ғарбни таназзулга ботирган ғоя .....	113
<b>Г.Ж.Туленова, А.А.Мадаминов</b>	
Сиёсий партиялар ва жамиятни демократиялаш .....	119
<b>Ҳ.О.Шайхова С.С.Хошимов</b>	
Бугунги дунё ва унинг одамлари .....	122
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>А.Ҳамдамов</b>	
Абдулла Орипов шеъриятида миллий ҳис-туйғулар талқини .....	127
<b>Н.Султонова</b>	
Ўзбек адабиётида модификация .....	130
<b>Қ.В.Юлчиев</b>	
Учликда макон ва вақт категорияси .....	134
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>З. Алимова</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда маъно ва товуш ўзгариши ҳодисаси .....	138
<b>И.Расулов</b>	
Рус ва ўзбек фразеологизмларининг семантик структураси .....	143
<b>Г.Умаржонова</b>	
Замонавий немис ва ўзбек тилларида “hand” – “қўл” фразеологик бирликлар функционал мазмунининг тадқиқи масаласи .....	148
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Р.Джалилова</b>	
Академик қаламтасвиртариҳини ўқитишнинг методологик асослари .....	152
<b>М.Каримова, Ш.Арипов</b>	
Талабалар ўкув фаоллигини оширишнинг назарий асослари .....	155
<b>И.Қирғизов, А.Нурмуҳаммаджонов</b>	
Мусиқа маданияти дарсларида ўкувчиларнинг мусиқа тинглаш компетенциясини шакллантириш тажрибасидан .....	158
<b>ИЛМИЙ АҲБОРОТ</b>	
<b>С.Эватов</b>	
Тасаввуф таълимотида ваҳдат ул-вужуд назарияси .....	162
<b>М.Маматов, О.Азимбеков</b>	
Ўзбекистонда сўфейликнинг ҳозирги ҳолати .....	165
<b>Ф.Дадабаева</b>	
А. Қодирийнинг “ ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги талқини .....	167
<b>Х.Убайдуллаев</b>	
Лингвокультурология тарихини ўрганиш хусусида .....	169
<b>С.Ҳакимжонова</b>	
Ўзбек тилида ҳолат равишларининг услубий хусусиятлари .....	171
<b>Б.Алимов</b>	
Миллий аудиовизуал тармоқларнинг мамлакат имижини ривожлантиришдаги аҳамияти .....	174
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	179

## ТИЛШУНОСЛИК

УДК: 41+534.78

**ЎЗБЕК ТИЛИГА ФОРС-ТОЖИК ТИЛЛАРИДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРДА МА  НО ВА ТОВУШ  
ЎЗГАРИШИ ҲОДИСАСИ**

**ЯВЛЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ЗВУКА И ЗНАЧЕНИЯ В СЛОВАХ, ЗАИМСТВОВАННЫХ  
УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ИЗ ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКИХ ЯЗЫКОВ**

**THE CASE OF SOUND AND MEANING CHANGE IN PERSIAN – TADJIK BORROWED  
WORDS IN UZBEK LONGUAGE**

3. Алимова

**Аннотация**

Ма  олада форс-тожик тилларидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларда товуш ва ма  но ўзгариши ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

В статье речь идёт об изменении звука и значения персидско-таджикских заимствований в узбекском языке.

**Annotation**

This scientific article is about is changing the sound and meaning of change Persian-Tadjik borrowings in the Uzbek language.

**Таянч сўз ва иборалар:** форс-тожикча сўзлар, луғат таркиби, нутқ товушлари, талаффуз, товуш ўзгариши, ма  но ўзгариши, форсий изофа.

**Ключевые слова и выражения:** персидско-таджикские слова, лексический состав, звуки речи, произношение, изменение звука, изменение значения, персидская изафа.

**Keywords and expressions:** Persian-tadjik words, lexical composition, speech sounds, pronunciation, change of sound, change of meaning, Persian isafet .

Бирор бир тил йўқки, бошқа тиллардан ажралган ҳолда алоҳида ривожланган бўлса. Тилдаги ҳар қандай ўзгариш ижтимоий тузилиш ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, тилнинг луғат таркибига ўз таъсирини кўрсатади. Натижада тил бойиб боради. Унинг бойишига турли хил омиллар сабаб бўлади. Хусусан, ўзбек тилининг луғат таркиби қўйидаги 4 хил йўл орқали бойииди: сўз ясаш, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш, ма  но ўзгариши ва янги фразеологик бирликларнинг пайдо бўлиши. Ўзбек тили лексик тараққиётини ҳам жамиятдаги муҳим ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда маълум бир давр босқичлари асосида ўрганиш мумкин. Туркий тил сифатида юритилган ўзбек тили тарихан Ўрта Осиё ҳудуди ҳалқлари учун бир неча аср мобайнида форс (форс-тожик) тили билан бир вақтда истеъмолда бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони Э.Воҳидов ўзининг “Сўз латофати” асарида тилимизга ўтган сўзлар ҳақида қўйидагича фикр билдиради: “Диний, илмий, ижтимоий атамаларимиз асосан араб тилидан, кўпгина иш қуролларимиз, жомадон, хокандоз, дастшу, жомашу, дазмол, қофоз каби ҳунармандчиликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърий услугга хос суханлар форс тилидан келган. Хусусан, форс тилидан

кирган фалсафий атамалар ҳам учрайди: жавонмард, сарбадор, чархи қажрафтор, Оинаи Искандар каби”[1,10]. Узоқ вақтли мулоқот натижасида тил омихталашиши сезиларли даражада ҳар иккала тил лексик қатламига ҳам таъсир қилди. Ўзбек тили лексик қатламига янги сўзлар, форсий изофатлар, иборалар, ҳаттоқи сўз ясовчи кўшимчалар ҳам кириб келди. Бундай сўзлар, аввало, мавҳум, кейинчалик уларнинг кўпчилиги ўз қатлам сўзлари каби тилимизга мослашиб, ажратиб бўлмас ҳолатда ўринлашди.

Ўзлашмаларни икки гурӯхга бўлиб ўрганиш муҳим аҳамитга эга:

1. Товуш ўзгариши орқали ўзлашган сўзлар.

2. Ма  но ўзгариши орқали ўзлашган сўзлар.

Ўзлашмалар ичida товуш ўзгариши ҳодисаси орқали ўзлашган сўзлар кўп учрайди. Қўйидаги мисолларга эътибор берсак:

**Бадя** (ф. بادی - мис ёки сополдан ясалган катта идиш)

1. Ёғоч, сопол ёки металлдан ясалган катта маҳсус катта чепак;

2. тех. Бетон қоришмасини солиш учун ишлатиладиган катта идиш.

*Кран гирчиллайди, кўтарилаётган*

3. Алимова –

бодядан тақир-тукур тош, шалоп-шалоп қоришиша тушади (А.Мухтор, Түғилиш) [2.138]. Ю.Рубинчикнинг “Форсча-русча” луғатида “бодийе” بادې - сўзининг “мис ёки сополдан ясалган катта идиш” маъноси берилган [3.161]. “Фарҳанги забони тоҷики”да ҳам “бодия” шу маънода изохланган. Ўзбек тилига ўзлашган ушбу сўздаги “о” товуши “а”га айланниб, “и” товуши умуман тушиб қолган, яъни “бодия” сўзи “бадя”га айланган.

**Барваста** ( بربسه боғланган, маҳкамланган; ёпилган, ривожланмай қолган ) 1. Гавдали, кенг яғринли. Барваста йигит. Асронқул барваста қомат, ўмровли содда, ўн саккиз яшар йигитча эди. ( Ойбек, Навоий) [2.I том.163]. Ушбу сўз тузилишига кўра “бар” – предлог, “бастан”-“боғламоқ” феълидан ташкил топган бўлиб, бундай феъллар форс тилида префиксли феъллар, деб номланади. “Басте” (баста) эса “бастан” феълининг ўтган замон сифатдоши шаклидир. “Барваста” сўзидан кўриниб турибдикি, форс-тоҷик тилидаги ушбу сўз таркибидаги иккинчи “б” товуши “в”га айланниб кетган. Шунингдек, “Форсча-русча” луғатда айнан “барбасте” сўзи учрамайди, «Фарҳанги забони тоҷики» (кейинги ўринларда ФЗТ)да “барваста” сўзи келтирилган [3.143]

**Гумбаз** (ф. گنبد - қубба, равоқ) 1. Қубба шаклидаги том; қубба тахлитидаги нарса. Цирк гумбази. 2.кўчма. бесўнақай, катта, семиз одам.

3.кўчма. Кўк гумбази (Осмон) [2.I том.523]. Ушбу сўз форс-тоҷик тилларида “гўнбаз” ва “гўнбад” тарзида берилган [4. 404]. Ўзбек тилига ўтганда сўздаги “н” ҳарфи “м” ҳарфига алмашган.

**Бежиз** (ф. бичиз- بىچىز буюмсиз, камбағал, ҳеч нарса) Бекор, бекорга, бекордан- бекор, асоссиз (фақат бўлишсиз феъллар билан). Ҳар ким ўрганини олади, деб бежиз айтилмаган [2.I том.207]. Форс-тоҷик тиллари луғатларида айнан бу сўз берилмаган, “би” инкор маънони ифодаловчи -сиз қўшимчаси бўлиб, гапда бўлишсиз феъллар билан бирга келади, “чиз” – “нарса” маъносига эга бўлиб, “бичиз”- بىچىز “буюмсиз, ҳеч нарсасиз” деган таржимага эга. Сўздан кўриниб турибдики, “бе” олд қўшимчасидаги “и” фонемаси “э” га, “чиз” қисмидаги “ч” фонемаси эса “ж”га айланган.

**Буромад** ( باراماد баромад – чиқиш, харажат, чиқим) Чиқим, саф-харажат. Зид. Даромад. Даромадга қараб буромад. Буромад бўлмаса, даромад бўлмас. Мақол. [2. I том. 381]. Форс-тоҷик тиллари луғатидаги “баромад” (чиқиш, сарф) сўзи ўзбек тилига ўзлашганда биринчи бўғиндаги “а” товуши “у”га айланган.

**Навжувон** – ( نوجوان - навжавон-жуда, анча ёш) 1. Ёш йигит, ўспирин. 2. кўчма: ёш, янги. Қумлар ўртасида бир шаҳар кўрдим,

Навжувон, сулув, соз, ярқироқ шаҳар (Миртемир) [5.III том.7]

Форс тилида “навжавон” сўзи бор, ФЗТда эса бу сўз учрамайди. Сўзнинг иккинчи бўғиндаги “а” товуши “у”га ўзгарган. Шуни таъкидлаш жоизки, форс тилида ушбу сўз кўчма маънода қўлланилмайди. Бу сўз одамларга нисбатан ишлатилади: 1. жуда ёш.2. ўспирин; йигит [2, 605].

Нутқ товуши талаффузни белгилашда товушнинг тўғри айтилиши асосий роль ўйнайди. Кўпинча сўз охиридаги “д” товушидан олдин “н” товуши келса, “д” товуши (т) тарзида талаффуз этилиш ҳоллари мавжуд. Масалан, қанд –қант, банд -бант каби [4.62]. Ўзбек тилига ўзлашган айрим сўзларнинг охиридаги “д” товуши “т” га ёки “з” га айланниб қолиши ва ёзувда ҳам шундай ёзилиш ҳоллари кўп учрайди:

**Намат** - ( نماد - намат. Юнгдан босиб ишланган палос; кигиз) [2.III.15] Форс тилида бу сўз “намад” тарзида ёзилади [4.664] ва талаффуз этилади, тоҷик тилида ҳам шундай.

**Устоз** – ( استاد - устоз) Таълим берувчи , муаллим, ўқитувчи. Форс-тоҷик тилларида бу сўз “устод” тарзида ёзилади.

Нутқ товуши қатор келганда, баъзан бир-бирига таъсир қилиб, бири иккинчисини ўзига мослаштиради. Ўзбек тилида бундай талаффуз меъёрини асосан феълларда учратиш мумкин: кетди-кетти, кўчди-кўчти, қўшди-қўшти каби. Лекин ёзувда “д” ҳарфи ёзилади. Бу ҳодиса ассимиляция бўлиб, у бошқа сўз туркumlари учун ҳам хосдир. “Учта” лексемасининг “ушта”, “почта” лексемасининг “пошта”, деб талаффуз қилиниши ҳам шу ҳодисага мисол бўла олади [3.62].

Шундай ўзлашма сўзлар борки, сўз охиридаги ҳарф ёзувда ҳам, талаффузда ҳам тушиб қолиши мумкин. Масалан:

## ТИЛШУНОСЛИК

**Намхуш –** (نمخشك) - ярим (чала) куруқ)

Ним хуш, бир оз намли. Ушбу сўз қўшма сўз бўлиб, “нам”- “нам, ҳўл” ва “хўшк”- “куруқ” сўзларидан таркиб топган. Қизиги шундаки, айнан “намхўшк” сўзи қўшма сўз ҳолатида форс тилида ҳам, тоҷик тилида ҳам учрамайди.

**Саман -** (سمند – сариқ ранги от) 1) оч малла, сарғиш, осмонранг; 2) Шу тусдаги от: Ўртадаги юқ машинасида саман тойча бор [2.III.434].

Ушбу сўз форс-тоҷик тилларида “саманд” шаклида ёзилиб, ўзбек тилига ўзлашганда бу сўз охиридаги (д) ҳарфи ёзувда ҳам, талаффузда ҳам тушиб қолган.

Яна шундай ўзлашмалар борки, сўз охирида бирор ҳарф орттирилиши ҳам мумкин:

Айрим ўзлашмалар таркибидаги “о” унлиси ўзбек тилида “ў”га ўтиш ҳолларини ҳам кузатиш мумкин:

**Сангбўрон –** (سنگ باران) - тош ёғилиши, тош ёмғири) Сангбўрон қилинглар, уринглар уни! - деди шайх амр қилиб (К.Яшин, Ҳамза) [2.III .438]. Форс тилида “сангборон” ва “сангсор” [5.257] сўzlари бор бўлиб, “тош ёмғири” маъносини ифодалайди, тоҷик тилида эса фақат “сангсор” [3.189] лексемасигина мавжуд.

Ўзбек тилига ўзлашган сўзлар таркибида унли ва ундош товушларнинг ўзгариши, “е” унлисининг “а” билан алмашиши, “о” унлисининг “а” билан алмашиш ҳодисаси кўп кузатилади. Жумладан:

**Пайтава –** (پایتاهه - оёқни иситувчи) [2.III. 204]. Форс тилида ушбу сўз “пойтобе” шаклида ёзилади, яъни “пой”- оёқ, “тобе” – “тобидан”- “иситмоқ, қиздирмоқ” феълидан ҳосил бўлган сифатдош бўлиб, оёқни қизитувчи, иситувчи нарса тушунилади [5.257]. Шунингдек, сўздаги “б” ундоши “в”га алмашган.

**Оптова –** (آفتابه - оптова. Кўза, обдаста, офтоба) Аноҳон кампирни сяб турғазди, оптовада сув келтириб берди (Иброҳим Раҳим, Ихлос) [2.III.131]. Келтирилган мисолда “ф” товуши “п”га, “б” товуши эса “в”га алмашиб, бу ҳодиса ассимиляция ҳодисасидир. Ушбу сўз форс-тоҷик тилларида “офтоба” тарзида ёзилади ва ўқилади.

Кўйидаги мисолларда айрим ҳарфлар орттирилгани ва айрим ҳарфлар тушиб қолганини кузатиш мумкин:

**Посанги –** (پارسونگ - тарози паллаларини тенглаштирувчи қўшимча тош. [2. III. 299]. Форс-тоҷик тилларида “порсанг” [5.261] ёки “посанг” [5.264] деб ёзилади. Ўзлашма сўз такибидаги “р” ҳарфи ёзувда тушиб қолган. Бундан ташқари, ўзбек тилида “посанг” сўзи охирида бир “и” ҳарфи орттирилган.

**Раҳа –** (راه - йўл, кўча) Йўлак, кўча [2.III. 362]

“Мен йўлимни танлаганман чорраҳада,

Сенга ўхшаб қолмай шундай тор раҳада” (Туроб Тўла, асарлар) [2.III.131].

Ушбу мисолдан ҳам кўринадики, форс-тоҷик тилларида “роҳ” ва “раҳ” сўзлари охирига ўзбек тилида (а) товуши орттирилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “роҳ” сўзи ҳам берилган. Лекин унинг “йўл” маъносигина учрайди (2. III. 395). Тоҷик тилида б тадан ортиқ маъноси (йўл, масофа, восита, усул, марта, қонун-қоида), форс тилида ҳам б тадан ошиқ маъноси (йўл, усул, тарз, мусиқа усули, ишонч, марта) берилган.

**Пойабзал –** (پایافزار - оёқ кийими, оёқ жиҳози) Форс-тоҷик тилларида бу сўзниң икки хил ёзилиш шакли берилган, яъни “поафзор, пойафзор”. “по, пой” – оёқ, “афзор” - жисм, қурол, асбоб маъноларини ифодалайди [5.285]. Ушбу сўздан кўриниб турибдики, форсий “пойафзор” сўзи таркибидаги “ф” товуши “б”га (ассимиляция), “о” товуши “а”га ҳамда “р” товуши “л”га (диссимилляция) алмашган.

Ўзбек тилига форс-тоҷик изофий бирикмаси асосида ясалган сўзлар ҳам ўзлашган. Маълумки, изофа аниқловчи билан аниқланмиш, қаратқич билан қаралмиш ўртасидаги боғланишдир. Лекин бундай ўзлашмалардаги изофа кўрсаткичи ҳисобланган “и” ёки “йи” (форс тилида “э” ва “йе”) ёзувда тушиб қолиши мумкин. Жумладан:

**Пойдевор –** (پایدیوار - пойдевор- 1) деворнинг остиқ қисми, асоси; 2) замин, негиз, асос, база) [2. III.285]. Аслида бу сўз изофий бирикма бўлиб, “по-йе дивор”- “деворнинг сёғи” дея таржима қилинади, яъни “девор” – қаралмиш, “по”- қаратқич, “йе”-изофа кўрсаткичидир.

**Пойгумбаз** – (پایگىندى - пайгумбаз – гумбазнинг оёги, гумбазнинг ости) Гумбаз ўрнатиладиган махсус курилма [2.III. 285]. Бу сўз ҳам изофий бирикма бўлиб, биринчидан, “по-йи гумбаз” (форс тилида “по-ие гўмбад”) тарзида ёзилиши мақсадга мувофиқ эди. Иккинчидан форс-тохик тилидаги “гўнбад” сўзи ўзбек тилида “гумбаз” шаклида ёзилиб, ассимиляция ҳодисаси рўй берган.

**Рўёб** – (رویاب) - рўёб – сув юзаси, сатҳи; маълум бўлиш) ЎТИЛда сўзниң қўйидаги маънолари ҳам берилган: 1) амалга ошмоқ; 2) намоён бўлмоқ; 3) рўшноликка чиқмоқ. Форс тилида “ру-йэ об” (тохик тилида “ру-ии об”) – “сувнинг юзи, юзаси” маъносини билдиради. Ўзбек тилида изофий боғланиш орқали ҳосил бўлган ушбу сўз фақат кўчма маънода, яъни “амалга ошмоқ, рўшноликка чиқмоқ” маъноларида кўлланилади.

**Олҳирот** – (أَلْهَرَات - Ҳирот олхўриси) “Олхўрининг жайдари номи турлича: қораолу, олхўри, олҳирот, ғайноли” (Қ.Махмудов, Ўзбек тансиқ таомлари) [2.121]. Ушбу сўздан маълум бўладики, “олҳирот” “олу-ие ҳерот”, яъни “Ҳиротнинг олхўриси”dir. Демак, ушбу сўз изофий боғланиш орқали ҳосил бўлган.

Шундай ўзлашмалар борки, улардаги изофа кўрсаткичи “и” ёки “ий” сакланиб қолган. Масалан:

**Рўйирост** – (رویداست - рўйирост- очиқ, дангал юз) 1) бирор андишага бормасдан, юз хотир қилмасдан; тўппа тўғри, дангал; 2) тикка; бор бўйича; 3) чинакамига, астойдил [2.406]. Ушбу сўз “ру-юз, рост-тўғри” сўзларининг “ий” изофа кўрсаткичи орқали ясалган бўлиб, “ростнинг юзасидан, ростлик юзасидан” маъносини англатади.

**Маъно ўзгариши орқали ўзлашган сўзлар** ўзбек тили луғат таркибида оз бўлса-да, учрайди. Бу ўринда ўзбек тилининг беш томли изоҳли луғати(ЎТИЛ)дан қўйидаги мисолларни келтириш мумкин. Масалан:

**Андармон** (ф. банд, машғул) Андармон бўлмоқ. Бирор машғулот, иш ва шу кабиларга берилмоқ, қизиқиб кетмоқ. Обид Йўлдошевич, бошқа ишларга андармон бўлиб, газета чиқаришга бевосита қатнаша олмадик (Пиримқул Қодиров, Уч илдиз). Робия билан андармон бўлиб, Комил табибникуга ҳам

бора олмадим (Ўткир Ҳошимов, Икки эшик ораси) [2. 84]. Айнан бу сўз рус шарқшуноси Ю.А.Рубинчик раҳбарлигига яратилган “Форсча-русча луғат” (“Персидско-русский словарь”)да ҳам, “Фарҳанги забони тоҷики”да ҳам учрамайди. Лекин ҳар икки луғатда ҳам ушбу сўзниң асоси “дармон” берилган бўлиб, унинг таржимаси “даво, дармон” дея изоҳланган.

**Анжом** (ф. тугаш, охири). ЎТИЛда ушбу сўзниң форс-тохик тилидан кириб келгани ва “тугаш, охири” маъносига эга эканлиги таъкидлаб ўтиляпти, лекин қўйидагича изоҳ берилляпти: 1. Уй-рўзғор, нарса буюмлари асбобларига тегишли нарса. Торроқ бўлсаям, уй-жой, анжомларимиз бор. (С.Нуров, Нарвон). 2. Ҳар қайси соҳанинг ўзига хос нарсалари, керак яроғлари. Йўл анжомлари, уруш анжомлари, ҳарбий анжомлар, мактаб анжомлари. Мана шу зирақлар, пардозандозлар солинган чамадонимни кўтариб, ўттиз йил қишлоқма-қишлоқ кездим. (С.Зуннунова, Олов) [2. 85].

Ю.Рубинчик муаллифлигидаги “Форсча-русча луғат”да “анжом” лексемасининг фақат “тугаш, охири” деган маъноси берилган [3.131]. Ваҳоланки, Фарҳанги забони тоҷики (ФЗТ)да “анжом” деган сўзниң ўзи йўқ.

**Арзанда**(ф.- арзидиган, лойиқ) 1) Орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки қиз. Беъш яшар қизчасини чақириб, у болага кўрсатиб: - Ана кўрмайсанми, бу қандай оппоқ, дўндиқча! Мана шу менинг бирдан бир арзандам, - деди. (С.Айний, Эсдаликлар) [2.96]

2) Энг севикли эрка ўғил ёки қиз. Лутфинисо эрининг давлатидан қўпориб, шу кенжака арзандасига сарф қилиш учун уринар эди( Ойбек, Танланган асарлар)

3) Бирор кишининг ҳаммадан ортиқ кўрган суюкли кишиси, эркаси. Гулнорага худо берди, у эрка-арзанда хотин бўлиб, эрига суялиб, кўнглига нима келса, шуни қиласди ( Ойбек, Танланган асарлар) [2.96]

Аслида “арзанда” сўзи форс-тохик тилларидаги “арзидан” – ارزىن “арзимоқ” феълидан олинган бўлиб, “арзимоқ, қимматга эга бўлмоқ, лойиқ бўлмоқ” маъносини ифодалайди. “Арзанда” форс-тохик тилларида ҳозирги замон сифатдоши ҳисобланади. Чунки, **-анде(анда)** қўшимчаси ҳар икки тилда ҳам ҳозирги замон

## ТИЛШУНОСЛИК

сифатдоши ҳосил қилувчи қўшимчалардан биридир. Ю.Рубинчик луғатида: “**arzande**” лексемасининг куйидаги маънолари келтирилган: 1) “Қимматбахо, қиммат баҳога эга бўлган, бебаҳо”; 2) “муҳим аҳамиятга эга бўлган” каби маънолари келтирилган. ФЗТда ҳам “арзидан” сўзи “қимматга эга бўлмоқ, арзимоқ” дея изоҳланган. Лекин, айнан “арзанда” сўзи мазкур луғатда берилмаган.

**Рўкач** (руқш) устки, ҳимоя қатlam, қоплама) Кўз-кўз қилиб, ёмонини яшириш учун ажратиб, олдинга қўйилган сара нарса; молнинг, нарсанинг сараси. *Районга келган меҳмонларга районнинг рўкачи бўлиб қолади.* (А.Қодирий, Обид кетмон) [2, 406]

**Рўкач қилмоқ:** 1) пеш қилмоқ, дастак қилмоқ. Ҳадеб қўчкорлигинизни рўкач қилаверасизми, Валихўжа aka! Камтарлик ҳам керак кишига! (Н.Сафаров, Ҳаёт мактаби); 2) Баҳона қилмоқ. –Бир нарса деса, уч ойдан бери тўланмаган уй пулини рўкач қилиб, бет-кўзингизни юласиз,-деди Ҳабиба эрига (Қ.Кенж, Тоғ йўлида бир оқшом) [2, 406].

Ю.Рубинчикнинг “Форсча русча луғати”да рўқш “устки, ҳимоя қатlam,

қоплама” деган таржимаси бор, холос. - рўкаш кардан-устини, сиртини қопламоқ [5, 743]

Бу сўз ўзбек тилига ўзлашганда форс тилида берилган таржиманинг бирортасига ҳам мос қелувчи маънони англатмаган, “Фарҳангি забони тожики” да “рўкач”, “рўкаш” лексемалари учрамайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўзбек тили лексикасида анчагина форс-тоҷикча сўзлар бўлиб, ўзбек тили лексикасида туркий сўзлардан кейин иккинчи ўринда туради. В.В.Бартольд тили билан айтганда: “...агар араб тили мусулмон дунёси учун Европадаги лотин тилидек аҳамиятга эга бўлса, форс тилини француз тилининг таъсири билан тенглаштириш мумкин” [6, 96].

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги тоҷикча ўзлашмалар аниқ ва реал нарса, ҳодисалар тўғрисидаги тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир. Тоҷикча ўзлашмалар кундалик турмуш учун энг зарурий ва кўп истеъмол қилинувчи сўзлардир. Шу туфайли тоҷикча сўзлар ўзбек тилининг луғат таркибига чуқур ўрнашиб, сингиб қолган лексемалардир.

### References:

1. Vohidov E.So`z latofati, “Uzbekiston”, -T:, 2014, 10-bet
2. Rubinchik Yu.A.Persidsko-russkiy slovar. –Moskva: Russkiy yazik, 1983, S.-605.
3. Farhangi zaboni tojiki., –Moskva:, Sovetskaya entsiklopediya, 1969, S.-189.
4. Sayfullaeva R., Mengliev B. Boqieva G. Khozirgi o`zbek adabiy tili. O`quv qo`llanma. – Toshkent:, 2006.
5. Rubinchik Yu.A. Persidsko-russkiy slovar’. – Moskva: Russkiy yazik, 1983, S.-605.
6. Khojiev A. Uzbek tili leksikologiyasi.-Toshkent:, Fan, 1981,B.96.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).